

Тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида
ШАРТНОМА № 33

21 Декабр. 2021 йил.

Жиззах шаҳри

Жиззах шаҳар тиббиёт бирлашмаси кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб номланувчи, Низом асосида иш юритувчи бошлиқ Ш.Зулфикоров бир томондан ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Республика Инкассация хизмати ДУК Жиззах вилоят бошқармаси, кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб номланувчи, ишончнома асосида иш юритувчи бошқарма бошлиғи М.Разиков, иккинчи томондан, қуйидаги мазмунда ушбу шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Бажарувчи, Буюртмачининг ходимларини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2012 йил 10 июлдаги 200-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 2-Иловаси тартиб рақами бўйича 7,8 ва 11-бандига ҳамда ушбу шартноманинг 1.2-бандигаги спецификацияда қайд этилган тиббий кўриқ турлари бўйича ушбу Шартноманинг 1-илоvasида қайд этилган Буюртмачининг ходимларини тиббий кўриқдан ўтказиб, Низомнинг 22-бандига асосан тиббий кўриқдан ўтказилган ходимнинг касбга яроқлилиқ масаласи бўйича тиббий комиссия ўзининг хулосасини бериш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса, ушбу Шартноманинг 1-илоvasига мувофиқ ўз ходимларини тиббий кўриқдан ўтишларини таъминлаш ва 1.2- банддаги спецификацияда кўрсатилган нархда кўрсатилган тиббий кўриқ хизмати ҳақини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

1.2. Спецификация:

№	Тиббий кўриқ турлари	Ўлчов бирлиги	Ходимлар сони	Нархи	Суммаси
					(сўмда)
1	Терапевт кўриги	киши	41	5000	205 000
2	Жарроҳ кўриги	киши	41	5000	205 000
3	Невропатолог кўриги	киши	41	5000	205 000
4	Отоларинголог кўриги	киши	41	5000	205 000
5	Офтальмолог кўриги	киши	41	5000	205 000
6	Психиатр кўриги	киши	41	5000	205 000
7	Дерматовенеролог кўриги	киши	41	5000	205 000
8	ЭКГ	киши	41	12800	524 800
9	Флюорография текшируви	киши	41	18000	738 000
10	Лаборатория текшируви	киши	41	25300	1 037 300
	ЖАМИ:			91 100	3 735 100

2. ШАРТНОМА СУММАСИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ.

2.1 Шартноманинг умумий суммаси **3 735 100 сум** (Уч миллион етти юз уттиз бешминг бир юз) сўм

Хизмат турлари нархи ва шартнома суммаси мазкур шартнома амалда бўлган муддат давомида ўзгармас ҳисобланади.

2.2. Ходимлар сони кўпайган тақдирда ҳисоб-китоблар ушбу шартномага асосан Бажарувчи томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида амалга оширилади.

2.3. Буюртмачи, шартнома икки томонлама имзоланган кундан 10 (ўн) банк куни ичида шартнома суммасининг 15 фоиз миқдорини олдиндан пул ўтказиш йўли билан тўлайди.

2.4 «Бажарувчи» томонидан тиббий кўриқ хизмати тўлиқ кўрсатилгандан сўнг, кўрсатилган хизматларни топшириш ва қабул қилиб олиш ҳақидаги томонлар вакиллари имзолаган Далолатнома тузилади ҳамда қолган 85 фоиз маблағ ўтказилади.

3. КўРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТ СИФАТИ ВА КАФОЛАТИ.

3.1. Бажарувчи томонидан кўрсатиладиган хизмат сифати тиббий кўриқ талабларига жавоб бериши лозим.

3.2. Бажарувчи, ушбу Шартноманинг 1.1 ва 1.2-бандларига мувофиқ кўрсатиладиган тиббий кўриқ хизмати сифатли даражада бажарилишини ва ҳар бир ходимга тиббий кўриқ натижасига кўра соғлиғи ҳолати бўйича касбга яроқли ёки яроқли эмаслиги ҳақида белгиланган тартибда тиббий кўриқ хулосасини беришини кафолатлайди.

4. ХИЗМАТНИ КўРСАТИШ МУДДАТИ ВА ТАРТИБИ.

4.1. Бажарувчи, шартнома суммасининг 15 фоиз олдиндан тўланган кундан бошлаб 30 (ўттиз) календарь куни ичида тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича хизматни тўлиқ кўрсатиш мажбуриятини олади.

4.2. Буюртмачи ҳар бир ходимини тиббий кўриқ варақаси билан таъминлайди.

4.3. Буюртмачининг ходимларини тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар Буюртмачининг биносида маҳсус ажиратилган хоналарда амалга оширилади.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.